

Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2019 йил «12» май

№ 4809к

Боғот шаҳарчаси

Нусха № \_\_\_\_\_

Боғот тумани марказида  
“Намунавий обод маркази”  
ташқил қилиш тўғрисида

Кейинги йилларда Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар натижасида бугун мамлакатимизда бўлганидек туманимизда ҳам аҳолига қулай шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда: Биргина “Обод қишлоқ” дастури доирасида 2019 йилда туманда 3 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 10592 аҳолини турмуш тарзини яхшилаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу маҳалларларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, ижтимоий соҳа объектларни таъмирлаш, бозор инфратузилма объектларини қуриш, кўчаларни таъмирлаш, тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, пиёдалар йўлакчалари қуриш, электр, газ, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш, ирригация ва мелиорация тизимларини тозалаш ва реконструкция қилиш, жамоат транспортини яхшилаш, бекатлар қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган ишларни узвий давоми сифатида туман маркази қиёфасини замонавийлаштириш ва унда истиқомат қилувчилар учун иш ўринларини яратиш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддларига асосан

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1.Боғот туманида “Обод марказ” дастури бўйича туман марказини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган ишлар юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури маъқуллансин.

2.Боғот тумани ҳокимлиги (С.Қурбонов, У.Матякубов, З.Яқубов) “Намунавий обод марказ” дастурини (кейинги ўринларда “Обод марказ”) ташқиллаштиришни таъминласин.

Бунда аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш, марказ қиёфасини

замонавийлаштириш ва унда истиқомат қилувчилар учун иш ўринларини яратишни ташкил қилсин.

3.Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов) бош режага асосан “Обод марказ” ҳудудига тушган бозор инфратузилма объектлари қуриш ва кўчаларни ёйма режаларини (развёртка) ишланишини таъминласин.

4.Боғот тумани ҳокимлиги (С.Қурбонов, У.Матякубов):

“Обод марказ” ҳудудига тушган кўчалардаги турар ва нотурар бинолар, ижтимоий соҳа объектларининг фасад ва том қисмларини таъмирлаш, атрофларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилишини ташкиллаштирасин;

туман молия бўлими билан биргаликда бюджет ташкилотларининг фасад ва том қисмларини жорий таъмирлаш учун зарур бўладиган маблағлар бўйича таклиф киритсин.

туман тижорат банклари билан биргаликда:

турар жойларни фасад ва том қисмларини таъмирлаш учун аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда кредит маблағлари ажратилишини;

кўп қаватли кўп хонадонли турар-жойларни таъмирлаш учун уй-жой мулкдорлари ширкатига белигланган тартибда кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

5. “Боғот туман электр таминоти корхонаси” (Н.Қазақбоев), 6-“Туманлараро газтаъминоти бўлими” Боғот ҳудуди бошлиғи (Р.Худашукуров), “Боғот тумани телекоммуникация боғламаси” (Ж.Худайкулов), “Туямўйин-Урганч” МСҚФ ДУК Боғот туман бўлими (У.Нурметов) “Обод марказ” ҳудудидаги ташқи муҳандислик тармоқларини тегишлигига кўра эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг ўз маблағлари ва кучи ҳисобидан амалга оширилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев